
Ўзбекистон туманининг Тўлаш қишлоғи ички йўлларини таъмирлаш бўйича илгари сурилган ташаббус “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ғолиблигини қўлга киритди

Республика Молия Вазирлигининг “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали амалга ошириб келинаётган “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг навбатдаги йўналиши – “Менинг йўлим” лойиҳаси ғолиблари эълон қилинди.

Мамлакатимиз ҳудудлари бўйича маҳаллалар йўлларини созлашга қаратилган ушбу лойиҳада Ўзбекистон туманининг “Фаровон келажак” маҳалла фуқаролар ийғинига қарашли Тўлаш қишлоғининг ички йўлларини таъмирлаш юзасидан илгари сурилган ташаббус ҳам ғолиб деб топилди.

Маҳалла аҳлининг фаолликлари натижасида эндиликда қишлоқнинг ички йўлларини таъмирлаш учун 792 миллион 360 минг сўм маблағ давлат бюджетидан сарфланиши белгиланган.

Маълумот ўрнида “Менинг йўлим” лойиҳасида республика бўйича 366 та ташаббус ғолиб деб топилиб, шундан Тўлаш қишлоғи бўйича илгари сурилган ташаббус **жами 18090 та овоз тўплаб, 2-ўринни қўлга киритди.**

2022-05-05 10:06:39